


Шохрух АКБАРОВ

ҒУЗОН



Шохрух АКБАРОВ

ТУЗОҚ

детектив суд лавҳаси

Тошкент – 2014

УЎК: 821.512.133
КБК: 84 (5Ў) 7
А:40

Акбаров, Шохрух

Тузоқ (детектив суд лавҳаси) проза/Ш.Аkbаров – Т.: КАМАЛАК-
PRESS, 2014. – 48 б.

УЎК: 821.512.133
КБК: 84 (5Ў) 7

Ўзбек менталитетига хос бўлган салибийлик, соддалик, ишонувчанлик, меҳмондўстлик хусусиятлари кўпинча фирибгарларнинг ўз қабих ниятларини амалга оширишларида қўл келади. Бу соддалик кўпинча қимматга тушиб, жабрланувчини танг ҳолатга тушириб қўяди. Натижада у «емаган сомсага пул тўлашга» тўғри келади, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиб қолиши ҳам мумкин.

Ушбу мўъжаз рисолада ҳикоя этилган воқеа фикримизнинг далили сифатида келтирилди. У китобхонни ҳушёр бўлишга, эҳтиёткорликка, ўз ҳуқуқларини яхши билишга ундайди.

Такризчи: Абдулла МУҲАММАДЖОНОВ – Ҳуқуқшунос

ISBN: 978-9943-4373-2-6

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Мустақиллик шарофати билан илм аҳлига ҳам, тижоратчиларга ҳам кенг йўллар очилди. Илм аҳли бутун дунё илм даргоҳлари билан ҳамкорлик қила бошлади. Тижоратчилар, ишлаб чиқарувчилар ҳам дунёдаги илғор ишлаб чиқарувчилар билан, тижоратчилар дунёдаги хоҳлаган ишбилармонлар билан алоқаларни ўрнатдилар. Олди-сотди ишларини йўлга қўйдилар. Шу билан бирга, ҳаром йўл билан пул топишга, ҳалол одамларни алдаб, сарсон-саргардон қиладиган нопок инсонлар ҳам ўзларига ўхшаган қаллоблар билан яқинлашиб, юрт ободончилиги, халқ фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшаётган сармоядорларни чув туширадиган ниятибузуқлар ҳам пайдо бўлди.

Абдулбоқи Қовулжонов ана шундай ниятибузуқлардан қаттиқ азият чеккан тижоратчилардан бири. Улар Абулбоқи аканинг ишончига кириб, қалбаки шартномаларга қўл қўйдириб олдилар ва унинг мол-мулкига эга чиқишга уриндилар.

Биз Абдулбоқи Қовулжоновнинг бошига тушган ташвишлар ҳақида ҳикоя қилишдан мақсад тижорат оламига эндигина кириб келаётган кишиларни огоҳликка чақиришдир.

**ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИ,
КАЛВАК ҚИШЛОҒИ, 2010 ЙИЛ**

Абдулбоқи ака, туни билан тиниқиб ухлаб, одатдагидай, тонг саҳарда ўрнидан турди, яхши дам олгани учунми ўзини қушдай енгил сезарди. У юз-қўлини ювгач, сўриток олдига борди-да ток қайчини олиб узумларнинг қалинлашиб, қуёш нурини тўсиб қолган барглари қирқиб-қирқиб ташларкан, беихтиёр Иркутск шаҳридаги ҳамкорлари Александр Шабалов ва Умар Тошпўлатовларни эслади. "Улар менга уч юз минг долларлик, деярли 60 та вагонга жойлашадиган миқдорда тахта жўнатамиз деганди. Эсидан чиқиб кетдими? Майли, мен пулини тўлаган, аммо Магомед олиб қолган сараланган бир вагон тахта (улгуржи баҳоси 80000 рубл) ва темир йўл учун алоҳида тўлаган 120000 рублим учун аҳдини бажариши керак эди-ку. Жўнатган қовун-тарвуздан ҳам Умаржон 2709000 рубл қарздор, бу суммаларни долларга айлантирганда 100000 доллар атрофида бўп қолаяпти. Умар Иркутскда учта ошхона қурганини эшитувдим. Ишнинг кўзини билади бу бола. Ўзимиздан борган болаларни арзон-гаров ишлатиб, ошхоналарни қуриб олди, азамат. Тахта-ёғоч арзон, иш кучи деярли текин. Ошхоналарнинг томи ва ички жиҳозларига пул керак, холос. Хўш, ошхоналарни нима қилади? Ишлатиб ўша ёқларда қолиб кетадими? Бўлмаган гап. Умаржон ошхоналарни сотади-да, албатта юртига келади. Қанчага сотиши мумкин? Агар ҳар бирини 500000 доллардан сотса, бир ярим миллион доллар бўлади. Ўшанда мен берган юз минг доллар пул чап чўнтагининг бир бўлагини эгаллайди, холос.

Келсин, ўшанда Умаржон пулни берганидан кейин бир ҳазил қилиб:

– Умаржон, бу фоиз дегани ҳаром, аммо мен юборган қовун-тарвузлардан қолган 2709000 рубл, 200000 рубл тахтанинг пули

сизнинг оборотингизда деярли уч йил турди, бу пуллар ошхоналар қурилишида иштирок этгандир, оборотдан даромад бермайсизми, деб сўрасам, нима деркин.

Абдулбоқи ака шундай хаёлларга берилганча, мийиғида кулиб қўйди. Кейин ўзига ўзи Умар учун ният қилиб, "Ишқилиб, Умаржон қурган ошхоналарни яхши нархларда сотсин-да", деб қўйди.

Шу пайт кўча эшик қўнғироғи чўзиб-чўзиб жиринглади. "Бегона одам келганга ўхшайди, маҳалладаги кўни-қўшнилари бунақа қилмайди", деган фикр ўтди Абдулбоқи аканинг хаёлидан кўча эшиги томон юрар экан.

Эшик ёнида оқ "Нексия" машина ва унинг ёнида истараси иссиқ, нотаниш бир йигит турар эди.

– Сиз Абдулбоқи акамисиз? – сўради йигит жилмайиб. Унинг гап оҳангидан кўқонлик эканлиги англанди.

– Ҳа, шундоқ, хуш келибсиз, – дея йигитни уйга таклиф қилди. Шу пайт хаёлидан чақмоқдек бир фикр ўтди. "Наҳотки Умаржон 100000 долларни бериб юборган бўлса-я. Ахир у бекорга эрталабдан эсга келмагандир".

– Йўқ, узр, шошиб турган эдим. Менинг исмим Хайрулла, кўқонликман. Бир муҳим иш билан келган эдим. Сизнинг олдингизга иркутсклик Александр Шабалов жўнатди. Танийсизми?

– Таниганда қандоқ! Жуда яхши танийман. Хўш, хўш?

Айтмовдимми, хаёлидан ўтказди Абдулбоқи ака, дўстим Саша қарзни бериб юборибди, шекилли, деб ўйлади, лекин меҳмоннинг қўлида ҳеч қандай пакет йўқ эди, киссасида ҳам пул борлиги билинмайди.

– Сизга салом айтди.

– Саломат бўлсин, бирор нарса бериб юбордимми?

– Бериб юборгани йўқ. Бир гапни сиздан сўрашимни айтди.

– Нима гап экан?

— У айтдики, сиз Шабаловдан уч юз минг доллар пулни уч йилда 12 фоиз устамаси билан қайтараман деб қарз олган экансиз. Қайтишингда шу пулни олиб кел, деб менга буюргани учун уйингизга келдим.

— Қарз? Мен қарздормишманми? — деди Абдулбоқи ака ва унинг томоғига нимадир тиқилиб қолди.

— Ҳа, уч юз минг доллар...

Абдулбоқи аканинг ранги бир оқарди, сўнг қизарди, юрак уриши тезлашиб, томирларидаги қон кўпириб, бор кучи билан миясига урилди ва бошида қаттиқ оғриқ сизди, кутилмаганда кучли зарба еган одамдек гандираклаб, меҳмоннинг машинасига суяниб қолди.

Хайрулла одамлар қарз қисташган пайтларда "Ҳозир пулим йўқ, бир ойдан кейин ёки ўн беш кундан кейин пул бўлади" деб вақтни чўзишга ҳаракатлар қилганларини кўп кўрган, бироқ Абдулбоқи акада вақтдан ютишга уриниш эмас, саросима, ажабланиш аломатларини кўриб таажжубланди.

— Уч юз минг доллар қарз дейсизми? — деди ўзига келган Абдулбоқи ака яна бир бор. — Бу гапни сизга ким айтди?

— Шабалов!

— Бўлиши мумкин эмас, — деди ишонч билан Абдулбоқи ака.

— Ие, нимага бундай дейсиз? У менга сиз билан тузган, нотариус тасдиқлаган қарз шартномасини ҳам кўрсатди.

— Мен Шабаловдан уч юз минг доллар у ёқда турсин, бир цент ҳам қарз олганим йўқ. Сиз кўрган шартнома эса номигагина тузилган бир ҳужжат, холос.

— Абдулбоқи ака, узр, мен бировнинг омонат гапини айтдим, холос. Ораларингизда нима гап ўтганини билмайман. Аммо, ҳар ҳолда, шартнома бўйича уч юз минг доллар қарзингиз борлиги аниқ. Менинг бу ерга келишимни бир огоҳлантириш деб билинг. Орамизда бўлиб ўтган гапларни Шабаловга қўнғироқ

қилиб айтаман, кейин қандай чора-тадбир кўради — унинг ўзи билади.

Шундай деб Хайрулло Абдулбоқи ака билан хайрлашиб "Нексия"сида жўнаб кетди.

Абдулбоқи ака шу қотганча бирмунча вақт туриб қолди.

"Наҳотки мен шу пайтгача кўзи бойланган одамдек атрофимда бўлаётган қаллобликларни кўрмаган, Шабалов ва Умар Тошпўлатовларнинг "ҳамкорлик қиламиз" деб алдаб, шартномага қўл қўйдириб, тилхатлар ёздириб мени тузоққа туширмоқчи бўлишганини билмаган бўлсам... Наҳотки бундан кейинги ҳаётим олмаган қарзни тўлаш билан ўтади? Уч юз минг доллар-а".

Абдулбоқи ака Шабалов, айниқса, Умар Тошпўлатовнинг вагон-вагон тахталар жўнатамиз деган гапларига лаққа тушиб, энди нафақат ўзи, бола-чақасини ҳам жуда қийин аҳволга солиб қўйишини ўйлаб, юраги орқасига тортиб кетди. Ахир корхонаси, уй-жойлари сотилиб кетса, оиласи кўчада қолиши ҳеч гап эмас. Бир умр мисқоллаб йиққан обрўси ҳам бир пул бўлади. Ахир ҳаммага бирма-бир учраб мени алдаб қўйишди, фирибгарларнинг қўлига тушиб қолдим деб айтолмайсан-ку?! Айтганда нима, кўзинг қаерда эди, ақлинг қаерда эди, дейишади, "бир умр тадбиркорлик билан шуғулланиб оқ билан қорани ажрата олмадингми?" деб таъна тошларини отишади.

Абдулбоқи ака чуқур уф тортди. "Нима қилиш керак? Бу оғир вазиятдан чиқиб кетишнинг бирон-бир чораси борми?" деган саволлар миясида тўхтовсиз чарх урар, аммо бу саволларга жавоб йўқ эди. "Нега мен кутилмаганда бундай қийин аҳволга тушиб қолдим? Қаерда хато қилдим?" Абдулбоқи ака ўзига ўзи шу саволларни берди-ю хотираларини титкилаб, кейинги бир неча йил ичида бошидан ўтган воқеаларни эслашга тушди...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/2521> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/2521> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2521>